

Ўзбекистон – Хитой бизнес-форуми



????????? ?????????? ?? ?????????? ??????
????????????? ????????????? ???????????

??????-????? ?? ????????????? ????????? ?????? ?????.

?????????? ????????????? ????????????????? ??????-???????? ??????????, ?????? ?????????? ??????
????????????????? ?????? ?????? ??????????? ?? ?????? ?????? ???
?????????????? ?????????????? ?????????? ??????????

Бизнес-форум ва кооперация биржаси мавжуд алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда янги лойиҳаларни муҳокама қилиш учун қулай имконият бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Назира Дадахонованинг таъкидлашича, бундай тадбирлар Ўзбекистон – Хитой иқтисодий ҳамкорлигини ташкил қиладиган улкан имкониятларнинг бир қисми, холос. Ҳамкорликдаги бизнес-форумлар ва турли тадбирлар икки томонлама муносабатларни янги мазмун билан бойитишда муҳим аҳамиятга эга.

Бу галги бизнес-форум ва кооперация биржасида машинасозлик, фармацевтика, тўқимачилик, қурилиш, озиқ-овқат, кимё саноати, электротехника, муқобил энергия манбалари, замонавий технологиялар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган концерн ва компанияларининг вакиллари иштирок этди.

– Шаньси провинцияси табиий бойликлар захираси ва замонавий саноатни ривожлантириш суръати бўйича Хитойда етакчи ўринни эгаллайди, – дейди Хитой халқаро савдо тараққиётига кўмак бериш кўмитасининг Шаньси провинциясидаги ваколатхонаси раиси ўринбосари Ву Фуцзи. – Бугунги тадбирларда ушбу ҳудуддаги эллиқдан ортиқ компания вакиллари қатнашди. Улар Ўзбекистон корхоналари билан савдо муносабатларини ривожлантиришга катта қизиқиш билдирди.

Бизнес-форумда мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти ва инвестициявий муҳит хусусида маълумотлар тақдим этилди. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги "Ўзинфоинвест" агентлиги, "Ўзфармсаноат" концерни, "Ўзэлтехсаноат" компанияси ва Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмасининг тақдимотлари бўлиб ўтди.

Тадбир якунида турли соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича қатор

инвестициявий шартномалар имзоланди.

[ЎЗА](#)